Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 5-mart, seshanba № 27 (3220)


*Ҳар биримизда ғурур туйғуси бор, лекин бу туйғуни амалий ишлар билан янада мустаҳкамлаш керак.*

**Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, иқтисодий тараққий этган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда углеводород хомашёсининг жаҳон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланиш бўйича ишланмалар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, улар юзасидан бир қанча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб борилмоқда. Республикада Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилди.

Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, айниқса, фаол ва самарали олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган тадқиқотларнинг натижалари мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида амалда экспериментал равишда кенг кўламда қўлланилмоқда. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида республикада қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар асосида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилмоқда ва улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳрида, Самарқанд вилояти ва бошқа минтақаларда иссиқ сув олиш учун гелиоқурилмалар ўрнатилган. Турли қувватлардаги фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Кўплаб олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун Ўзбекистонда яратилган шарт-шароит ва мавжуд имкониятлар мазкур минтақадан бу соҳадаги илғор технологияларни нафақат республикамизда, балки бутун Ўрта Осиёда тажриба тариқасида жорий этиш майдони сифатида фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тўпланган тажрибани эътиборга олган ҳолда ва тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқорироқ техник ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни амалда қўллаш, шунингдек, мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистонда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланишни янада чуқурроқ ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш учун илмий-экспериментал ва моддий-техника базаси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фанлар Академияси ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин, бунда муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, республикада тегишли ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар Академияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш;

илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциалидан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қуёш энергетикасидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш, шу жумладан, махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш;

қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятини ташкил этиш ва уни молиялаштириш манбалари бўйича қарор қабул қилсин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Ўзбекэнерго» ДАК ва «Suntech Power Co.» (ХХР) компанияси ўртасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни тенг улушларда молиялаштирган ҳолда энг замонавий технологияларга асосланган 100 МВт қувватли фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишувга эришилди.

«Ўзбекэнерго» ДАК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш бўйича бизнес-режа ҳамда зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, бунда 2013 йилнинг октябрь ойида қуввати 50 МВт бўлган биринчи навбат ишлаб чиқаришни фойдаланишга топшириш, 2015 йилда лойиҳа қувватига эришиш назарда тутилсин. Бу ўринда корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга эҳтиёж ва уни сотиш бозорларини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» ДАКнинг Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

«Ўзбекэнерго» ДАК уч ой муддатда лойиҳани молиялаш манбалари сифатида Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағларини жалб этишни назарда тутган ҳолда, лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2013 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда «Ўзбекэнерго» ДАКга электростанцияни қуриш ва жойлаштиришни ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясини қўллаш бўйича экспериментал ва пилот лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги халқаро экспертлар иштирокида икки ой муддатда хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликлар бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказлари ҳамда технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир халқаро конференцияни ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, «Ўзбекэнерго» ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг I ярим йиллигида Вазирлар Маҳкамасига «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 1 март

2013 йил — Обод турмуш йили

## АСОСИЙ ВАЗИФА — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича «ўзбек модели» бугун дунёнинг тараққиёт сари интилаётган аксарият давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда одамлар ҳаёт сифати ва фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳам ушбу муҳим вазифани изчил бажаришга қаратилган.***

Масалан, Давлат дастурининг бешинчи бўлимида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Мамлакатимиз қишлоқларида намунали лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар кенг кўламда қурилаётгани ва тегишли инфратузилма шакллантирилаётгани одамлар турмуш сифати ва даражасини янада оширишга эътибор қаратилаётгани ҳамда ғамхўрлик кўрсатилаётганидан ёрқин далолатдир. Бундай хайрли ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2013 йилда 353 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қуриш режалаштирилган. Бунинг учун йўналтирилаётган маблағлар ҳажми 2012 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 54 фоизга кўпдир. Бундан ташқари, жорий йилда ёш оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 36,7 миллиард сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизмати билан таъминлашни янада яхшилаш турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Давлат дастурида қишлоқ массивларида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойларда узунлиги 293,3 километр сув таъминоти тармоқлари, шунингдек, 462 қишлоқ аҳоли пунктида 552,8 километр ана шундай тармоқларни барпо этиш кўзда тутилган. Андижон, Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Фарғона ва бошқа бир қатор шаҳарларда, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, сув таъминоти ва канализацияни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Минтақалараро сув ўтказгич иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида ҳудудлар аҳолисини ишончли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳам энг муҳим вазифалар сирасига киради. 2013 йилда Талимаржон иссиқлик электр станциясидан «Сўғдиёна» ПСгача 215,8 километр узунликда 500 кВ юқори кучланишли электр узатиш линияси қурилади. Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриладиган қишлоқ массивларида узунлиги 239,4 километр 0,4-10 кВ юқори кучланиш линияси қурилади ва 155 трансформаторли кичик станциялар ўрнатилади. Мамлакатимиз ҳудудларида узунлиги 1775,6 километр 0,4-10 кВ юқори кучланиш линияси ва 434 трансформаторли кичик станцияларни реконструкция қилиш, узунлиги 9312,3 километр шундай электр узатиш линияларини ҳамда 4753 кичик станцияни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Давлат дастурида ҳудудлар аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада 254 километр газ тақсимлаш тармоқлари қурилади ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси тасарруфидаги газ тақсимлаш тармоқларининг 280 километри капитал таъмирланади. Якка тартибдаги 353 қишлоқ массивларига узунлиги 393,65 километрли газ қувурларини ўтказиш кўзда тутилган.

Аҳолининг иссиқлик билан таъминланиш даражасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2013-2020 йилларда мамлакатимизнинг 28 йирик шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тасдиқланган ҳамда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган.

Жорий йилда 16 шаҳар ҳамда 67 туман марказларида коммунал дренаж тизимларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширлади, насос ускуналари модернизация қилинади, янги қудуқлар ишга туширилади ва улар тегишли равишда жиҳозланади.

Одамлар турмуш сифатини ошириш кўп жиҳатдан шаҳар ва қишлоқларда замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, автомобил йўлларининг ўтказувчанлик имкониятини кенгайтириш, йўл қопламаси сифатини яхшилаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқ.

**(Давоми 3-саҳифада).**



«Истиқлол» санъат саройида «Марди майдон!» жонли ижродаги қўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида «Дилларда Ватан мадҳи» деб номланган концерт ўтказилди.

***Суратда: фестивал совриндорлари.***

**Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат**

Ижтимоий шерикларимиз фаолиятидан

## ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

***Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан равнақ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу ҳақда тўхталар экан, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.***

Дарҳақиқат, хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнесга янги имтиёзлар яратиш республикамиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда бир қатор қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг ижроси соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди. Янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасига рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

**(Давоми 2-саҳифада).**

***Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда аҳоли ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир.***

## МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг олтинчи бўлимида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар- жойларининг қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

**(Давоми 2-саҳифада).**

Ishonch
2013-yil 5-mart № 27 (3220)



***Тошкент шаҳридаги Олмазор енгил-саноат касб-ҳунар коллежида саккиз юздан ортиқ ўғил-қиз беш йўналишда таҳсил олмоқда.***

Мазкур коллежда ўқувчилар тегишли касб-ҳунарларга оид билим ва кўникмаларни пухта эгаллаши учун барча шароит мавжуд. Зарур техник воситалар, тикув-тўқув машиналари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган ўқув-машғулот хоналари, кутубхона, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида.

— Шаҳримиздаги кўплаб енгил саноат корхоналари ҳамкоримиз бўлиб, бу бизга ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини амалиётга йўналтириш имконини бераётир, — дейди ўқитувчи Барно Ирисова.

**Суратда: Барно Ирисова коллеж ўқувчилари билан дарс жараёнида.**

**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Давлат дастурини бажариш доирасида маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади. Шу мақсадда «Замонавий маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилади, мавзе ва маҳаллалардаги йўллар ва кўчаларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг ташқи ёритиш тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлаш дастури тасдиқланди. Намунавий лойиҳаларга мувофиқ якка тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар, биноларнинг олд қисмини ва томларини таъмирлаш, маҳаллалар ҳудудидаги ирригация ҳамда дренаж тизимларини янгилаш кўзда тутилган. Кўчалар ва йўлаклар замонавий услубда таъмирланади, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланади. Аввал қурилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш режалаштирилган. Мини-футбол, баскетбол ва волейбол машғулотлари учун спорт майдончалари кўпаяди.

2013-2015 йилларда кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Маҳаллалар ичидаги кўчалар бўйларига ва махсус ташкил этиладиган «яшил» ҳудудларга ҳар йили 15 миллионта манзарали ва 29,5 миллионта мевали дарахт, шунингдек, 10 миллионта бута ҳамда гул кўчатлари экилади. Буларнинг барчаси дам олиш, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Турар-жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, узоқ туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳам белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ушбу муҳим ишларнинг аксарияти Давлат дастурида режалаштирилган қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳаси орқали амалга оширилади. Бу ишларга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

Одамлар, айниқса, болалар ва ёшларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратишга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги клуб муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш орқали 2013-2018 йилларга мўлжалланган Маданият, санъат ва аҳолининг дам олиш марказларини ташкил этишга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил қилиш, халқ ижодиётини ривожлантириш, маданият муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида 2013-2015 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтиришга доир белгиланган комплекс тадбирлар шаҳарлар ҳамда маҳаллалар ҳудудларида санитария-экологик вазиятни янада яхшилашга қаратилган. Чиқиндиларни йиғиш бўйича фаолият кўрсатаётган пунктларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, замонавий контейнерлар билан жиҳозлаш, шунингдек, махсус техника паркини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар ҳисобидан янгилаш шулар жумласидандир. Маиший чиқиндиларни йиғиш, транспортировка ва утилизация қилиш бўйича жаҳон амалиётида синовдан ўтган услублар жорий этилади. Тошкентда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Кейинчалик бундай лойиҳалар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади, бу борада тегишли ҳудудий дастурлар қабул қилинади. Чунончи, уларнинг биноларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, компютер ва бошқа техника воситалари, мебел билан таъминлаш, янги маҳалла гузарларини ташкил этиш ҳамда уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, яшаш жойида маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзларини бериш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Бу эса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Ёрдамга, меҳр-мурувватга муҳтожлар ҳақида ғамхўрлик қилиш халқимизга хос азалий фазилатлардан бўлиб, истиқлол йилларида улар янада ривожланмоқда. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат тузилмаларидан ташқари жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оилалар, болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади ва болани вояга етказиш бўйича ижтимоий нафақалар тўланади. Қаровга муҳтож ёлғиз қариялар ҳар ой тегишли моддий ёрдам олади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга куз-қиш мавсуми арафасида уйларини таъмирлашда ёрдам кўрсатилади. Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хотира ва қадрлаш куни арафасида эса кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига совғалар топширилади, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Маҳалла мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ҳамда масъулиятини чуқур англаш руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун жорий йилда «Маҳалладан бошланур Ватан» шиори остида комплекс маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Маҳаллалар раислари иштирокида ўтказиладиган «Меҳрдан яшнар кўнгил», «Бир болага етти қўшни ота-она» фототанлови, шунингдек, «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Намунали профилактика нозири» каби кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан жаҳон ҳамжамиятини кенг хабардор қилиш мақсадида 2013 йилда маҳалла институтининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи ҳақида ҳужжатли филм, халқимиз бирлиги ҳамда аҳиллигини, жамиятимизда тинчлик-тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий филмни суратга олиш режалаштирилган. Ушбу мавзуга бағишланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» номли китоб, «Жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак» мавзуида илмий-оммабоп рисола чоп этилади.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, бу жараёнда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг маҳалла каби муҳим институтлари ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

**ЎзА**

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Ўтган йил соҳада рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилингани, молиявий ҳисобот топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилгани давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви тубдан қисқарганлигининг амалий ифодаси бўлди. Бу каби имтиёзлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, 1 январдан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солиқ ҳисоботи шакли бекор қилингани эътиборга молик.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари ҳам сезиларли даражада соддалаштирилди. Гап шундаки, айни пайтда бизнесни рўйхатга олиш жараёни «бир дарча» тамойили асосида — атиги икки кун ичида амалга оширилаяптики, бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган ана шу имтиёз ва преференциялар, соҳада жорий этилаётган янгиликларни ишбилармонларга кенгроқ тушунтирувчи, уларнинг бизнес фаолиятига яқиндан кўмак берувчи ташкилот ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, палатамиз давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда муайян чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келаётган масалаларни аниқлаш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш учун учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда сўровномалар ўтказиш анъана тусини олган. Ўтган йиллар давомида 175 мингта тадбиркорлик субъекти, 1947 та саноат корхонасида сўровнома ўтказилиб, уларнинг асосий қисми таҳлил қилинди. Ушбу жараёнда аниқланган масалаларни ҳал этиш бўйича зарур амалий чоралар кўриш учун тегишли вазирлик ва давлат идоралари, тижорат банклари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларга мурожаатлар юборилди.

Ҳафтанинг жума кунлари «Тадбиркорлар куни» тадбири ўтказилаётгани ҳам мулкдорларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишда қўл келаяпти. 2012 йилда ўтказилган шундай тадбирларда келиб тушган 9 905 та мурожаатнинг 8 797 таси, яъни қарийб 90 фоизини ҳал этишга эришилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг 130 та туман ва шаҳарларида палатамизнинг Ахборот-маслаҳат ҳамда Бизнес марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Уларга мурожаат қилган тадбиркорлик субъектлари билан тўғридан-тўғри телефон орқали боғланиш имконияти яратилган. 14 та ҳудудий бошқармамиз билан видеоконференция ўтказиш имконияти мавжуд.

Буларнинг барчаси тадбиркорларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг бизнес ғояларини тўлиқ рўёбга чиқаришда катта мадад бўлаяпти. Соҳадаги ўзгаришларни тўлақонли тасаввур қилиш учун қўлга киритилган муваффақиятларни бундан 12 йил олдинги кўрсаткич билан таққослашнинг ўзи кифоя. Сабаби, ушбу давр ичида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54,6 фоизгача кўпайиб, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан band бўлганларнинг 75,1 фоизидан зиёди унинг ҳиссасига тўғри келаётир. Кўриниб турибдики, кичик бизнес бугун қудратли ижтимоий-иқтисодий куч сифатида намоён бўлмоқда.

Бинобарин, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

**Улуғмурод ЭРНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи**

## Касаба уюшма ҳаёти

***Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича касаба уюшмалари фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни бирлашма кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов олиб борди.***

# НАВРЎЗГА ПЕШВОЗ

Жойларда Наврўз шодиёналарини кўтаринки руҳда ўтказишга тайёргарлик кўриш ишларида энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган касаба уюшмалари олдинги сафда бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир меҳнат жамоасида ва жойларда бошланғич ташкилотлар етакчилигида санъаткорлар, бадиий жамоалар, ёзувчи-шоирлар, олим ва мутахассислар иштирокида ўтказиладиган тадбирларга алоҳида тўхталинди.

Касаба уюшма фаоллари иштирокида жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда, зиёратгоҳ ва қабристонларда кенг кўламли ишларни олиб бориш ҳамда жойларда «Энг обод маҳалла», «Энг обод кўча», «Энг обод хонадон», «Ободонлаштириш ишларини тўғри ташкил қилган муассаса» каби кўрик-танловларни юқори савияда ташкил этишга алоҳида аҳамият берилади. Ёрдамга муҳтож, кам таъминланганлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилади, меҳнаткашлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

— Байрам арафасида вилоятимиз ҳокими ташаббуси билан Термиз шаҳри ва туманларда истиқомат қилаётган 200 нафар нуронийнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳати уюштирилади. Улар орасида касаба уюшма фахрийлари ҳам борлиги бизни ғоят қувонтирди. Шунингдек, вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда ТерДУнинг фаол талаба ва ўқувчиларидан «Ғамхўрлик» гуруҳлари ташкил этилиб, нуронийлар, 100 ёшдан ошган фахрийлар, меҳр-мурувватга муҳтож ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олинади, — деди бирлашма Кенгаши раиси А.Аҳмедов.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ўтмиш ва келажак

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ

## (тарихий типологияга бир назар)

***Жаҳон харитасида «Ўзбекистон Республикаси», «Ўзбекистон» деган суверен мамлакат пайдо бўлганига икки ўн йилликдан ошди.***

***Чорак аср сари — бу шунчаки гап эмас, аслида. Рўй берган улкан ўзгаришлар, эришилган оламшумул ютуқлар салмоғи Ўзбекистон чиндан-да келажаги буюк давлат эканлигига ўзига хос тасдиқ ишорасидир.***

***Тарих — бу ўтмиш, хотира, уни холис ўрганиш, ҳақиқатнинг олтин тарозусидан ўтказиш — бугуннинг иши, глобаллашув давр талаби. Айни вақтда у борлиқ кўзгуси, маънавият гавҳари, фалсафий-сиёсий онг ва тафаккур мушоҳадаси, ривожланиш ва қиёслаш мезони эканлиги учун ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади.***

«Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаб ўтилганидек, **«Муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиз, тарихий хотирамиз... бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз».** Демак, кечаги тарих — нохолис, бузиб кўрсатилган тарих. Унинг ҳақиқий манзараси, бор ҳақиқати 1989 йилнинг июн ойидан, Ислом Каримов республикага биринчи етакчи бўлиб келишидан бошланган эди, десак асло муболаға эмас. Чунончи, Юртбошимизнинг раҳбарликнинг илк кунлариданоқ **«Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди». «Жамиятни янгилаш учун курашаётган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур»,** деган сўзлари узоқ йиллар кул остида қолган умид учқунларини алангалатиб юборгани ҳам тарихий ҳақиқат. Давлатимиз Истиқлолга эришгач эса **«Биз барпо этаётган янги фаровон ва эркин жамиятни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди»,** дейилиши, ҳеч шак-шубҳасиз, шахс дунёқараши, маънавияти ва тафаккурини ислоҳ қилишга ундовчи ўзига хос даъват бўлганди.

*Тарихимиз яшаш тарзимизнинг янги, энг янги палласи мустақилликни қўлга киритган кунимиздан бошланди, албатта. Унинг негизи бўлмиш маънавият, қадриятларимиз, иймон-эътиқодимиз ўзликни англашнинг бош мезони сифатида то ҳануз бизга садоқат билан хизмат қилмоқда!*

Маънавият бойиб борган сари жамият ҳам равнақ топади. Ҳозирги глобаллашув ва тараққиёт асрида фақат маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатларгина оёқда маҳкам туриб, устувор мавқега эга бўлиши мумкин. Буюк давлат қуриш учун бой маънавиятга эга бўлмоқ керак. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ҳозирги ўзбек жамиятида айни шу тамойилга замин яратилди ва амал қилинмоқда.

Ўзбек халқининг бой ўтмиши, бетакрор маданияти, ўлмас қадриятлари, меъморий обидалари тикланмоқда. Бугина эмас, янги-янги мажмуалар барпо этилмоқда. Навоий шаҳрида халқимизнинг буюк фарзанди, улуғ шоир ва мутафаккирига чексиз муҳаббат рамзи сифатида ёдгорлик, Хоразмда «Авесто» китобининг 2700 йиллиги муносабати билан ажойиб мажмуа очилди. Маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлган ҳар икки ёдгорлик-мажмуанинг очилиш маросимида иштирок этган давлатимиз раҳбари томонидан ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига, илму фани ва ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси бугунги кунда дунё халқлари томонидан чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан эътироф қилинаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Халқимиз азалдан илм-фан ва маърифатни муқаддас билиб, даҳоларимизга доя бўлганлигини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Президентимиз Ислом Каримов аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг юбилей тантаналарида сўзлаган нутқида: **«Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тегишли шарт-шароитлар, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонунияти жўш уриши лозим»,** деб ўзбек халқига хос улуғвор қадрият ва фазилатни теран ифода қилган эди. Ўзбекистон давлати ўз сиёсатининг бош тамойили сифатида маънавият ва маърифатни асос қилиб олганлиги — тарихий ришталарга содиқлик, халқ салоҳиятига ишонч ва тараққиётга интилишдан далолат бериб турибди.

*XX аср инсоният тарихида алоҳида мавқе ва аҳамиятга эгадир. Халқлар иккита жаҳон урушини бошидан кечирди. Одам боласига хос азалий рақобат ва мусобақа бугунги кунга келиб илм-фан, маънавий тараққиёт ва маърифат, муроса фалсафаси мусобақасига айланди.*

Маълумки, шўролар даврида ўзбек халқининг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи сохталаштирилиб, уни холис ва кенг кўламда ўрганишга йўл берилмади. Бу мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатининг натижаси эди, албатта. Президентимиз Ислом Каримов буни ҳисобга олган ҳолда халқимизнинг **энг янги тарихини ўрганиш, сохта фикрларга зарба бериш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.**

Айтиш лозимки, мазкур муҳим ва мураккаб вазифани тарихчилар билан бир қаторда археологлар, тилшунослар, этнографлар, адабиётшунослар, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослар иштирокида амалга оширилиши назарда тутилган бўлиб, буни таниқли олим Ҳамид Зиёев қуйидагича изоҳлайди: «Юртбошимиз бир масалада ниҳоятда ҳақлар. У ҳам бўлса, кўп асрлар давомида, айниқса, Мовароуннаҳр рус империяси томонидан босиб олинганидан кейин ҳалқимиз тарихи камситилган, ҳақиқат бир чеккада қолиб, нотўғри талқин қилинган. Дав-

# Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 5-mart № 27 (3220)



## ТИЛ — ДИЛ ТАРЖИМОНИ

Термизлик Парвина Хўжаеванинг онаси Ҳалима опа, опалари Нодира, Зиёда инглиз тили ўқитувчилари. Оилада қарор топган муҳит Парвинани ҳам ўғил-қизларга хорижий тилни ўргатиш мақсади сари чорлади. Айни пайтда шаҳардаги 1-футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бермоқда. У дарсларни ташкил этишда таълим муассасидаги мавжуд имкониятдан самарали фойдаланаётир.

**Суратда: инглиз тили ўқитувчиси Парвина Хўжаева ўқувчилар билан дарс жараёнида.**

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат**

Яхшилар ёди



***Меҳр-мурувват, атрофдагиларга эътибор, саховатпешалик каби инсоний фазилатлар шахсга улуғлик мақомини бахш этади. Юзу кўздаги нуронийликка йўғрилган самимият, камтарлик ва вазминлик ҳам бунга қўшилса узукка қош қўйгандек ярашиқли бўлади. Марҳум устоз, кимё фанлари доктори, профессор Қувончбой оға Ўтениязов ана шундай хислатларни ўзида жамлаган олижаноб инсон эди. Университетдаги барча ёшлар унинг илиқ меҳридан баҳра олишар, профессор-ўқитувчилар жамоаси эса, ўз ректорларининг одилона иш юритиши ва оқибатлилиги билан фахрланишарди. Устоз ғоят кучли хотира соҳиби бўлиб, деярли барча ходимларни танир, ҳаммага бирдек муомалада бўларди.***

## ДАРЁДИЛ ИНСОН

Қувончбой оғани биринчи бор талабаликка қабул қилинган пайтимда, яъни 1989 йил ёзида қабул комиссиясида кўрганман. Оддий, аммо дид билан кийиниши, оғир-вазмин қадам босишлари, ҳар битта сўзни чертиб-чертиб гапиришлари, гапи мазмунига мос қўл ва юз ҳаракатлари хотирамга бир умр муҳрланди, мен учун ҳавас манбасига айланди. Балки ўша ҳавас сабабли тақдир менга ана шу улуғ инсон раҳбарлиги остида ишлаш бахтини муяссар қилди.

Қувончбой оға ҳар қандай мураккаб масалани мумкин қадар тез ҳал қилар, кўплаб муаммолар қабулхонанинг ўзидаёқ ечимини топарди. Шу боис у кишининг қабулхонасида ҳеч қачон одамлар тўпланиб қолмас эди.

Домланинг бу фазилатини ишга кираётган пайтимдаёқ ҳис қилдим. Мени ишга тавсия қилаётган домла Абдураҳмон Мадаминов билан бирга ректор қабулига шошардик. Қувончбой оғани университетга кираверишдаги пешайвонда учратдик. Қисқача сўрашишдан сўнг юқорига кўтарила бошладик. Ҳаяжондан юрагим потирлашига қарамай, бутун вужудим қулоққа айланиб, катталарни тинглаб бораяпман. Буни қарангки, масала иккинчи қаватдаги қабулхона эшигига етмасданоқ ҳал бўлди-қўйди. А.Мадаминовнинг мен ҳақимдаги қисқача тавсифини эшитиб тугатмай, домла фақат бир савол берди: «Абдураҳмон, шу боланинг келажакда университет учун жон куйдирадиган, илм билан шуғулланадиган ходим бўлишига ишончинг комилми?» Саволга тасдиқ жавоби олингач, домла менга қўл узатди, кафтимни қисиб, янги ишим билан табриклади. Шу жойнинг ўзидаёқ жуздонни тагтахта қилиб, аризамга имзо чекди. Ўшанда Қувончбой оғанинг расмиятчиликдан, манманликдан жуда йироқ инсон эканлигига амин бўлдим.

Устозга иккинчи бор қойил қолишимга сабаб бўлган ҳодиса Самарқандда юз берди. 2002 йил баҳорида номзодлик ишимни тугатиб, илмий раҳбарим фаолият кўрсатаётган кафедрада муҳокама қилдириш учун бу шаҳри азимга келган эдим. Тасодифни қарангки, шу кунларда республика олий таълим муассасалари раҳбарларининг қандайдир бир йиғилиши Самарқанд Давлат университетида ўтказилаётган экан.

Биз кафедра мудири профессор Суюн Каримов, илмий раҳбарим Бекмурод Йўлдошев ва бошқалар илмий ишнинг расмий қоғозларини «ўрганаётсак», хона эшиги олдидан ОТМ ректорлари қаторлашиб ўтиб қолишди. Ректорлар орасида Қувончбой оға ҳам бор эди. Кафедрадан чиқиб бориб, қўл олишиб саломлашишга истиҳола қилдим. Кўпчилик орасида танимай қолиши ҳам мумкин, дея андишага бордим. Бироқ янглишган эканман. Даҳлиз бўйлаб бораётган меҳмонларнинг ғовур-ғувур овозлари сўнмаёқ эшик олдида Қувончбой оға пайдо бўлди ва «туғишганимни кўргандай бўлдим-ку» деб, мен томон йўналди. Қулочини кенг ёзиб бағрига босди. Кутилмаган ҳолатдан ҳайратланиб, довдираб қолдим. Мезбонлар ҳам шошиб қолишди. С.Каримов кафедра аъзолари билан таништира бошлади. Қувончбой оға «вақт зиқ» дегандай соатига бир қараб олгач, дангалига кўчди. Мудирнинг гапини бўлиб: «Шогирдни қачон ҳимояга олиб чиқасан», дея сўради. Довруқли меҳмоннинг салобати босдими, С.Каримов домла: «Шогирднинг иши тайёр, индинга муҳокамага қўямиз», деганини билмай қолди. Шундай қилиб, ҳали номаълум бўлиб турган муҳокама куни аниқланди...

Қувончбой оға мансабу мартаба билан боғлиқ кибру ҳаводан йироқ, ҳақиқатпараст инсон эди. У бошқарган мажлисларда университет келажаги ва обрўси учун фойдали, тўғри таклиф кимдан чиқишидан қатъи назар, қабул қилинарди.

Бир гал жуда қизиқ бўлган. Бўш турган кичик бир лавозимга Қувончбой оға бир замонлар бирга ишлашган дўсти номзодини таклиф қилади. Ўз раҳбарининг дарёдиллигига ишонган ёш бир мутахассис ректор таклифини кескин рад қилади, ўз фикрини далиллар билан асослайди. Қувончбой оға ҳақиқат олдида бош эгади — ўзи таклиф қилган номзоддан воз кечиб, ёш олим тавсия қилган номзодни лавозимга тайинлади.

Қувончбой оға билан охирги учрашувимиз домла вафотидан бир кун олдин — 8 мартда содир бўлди. Ўша куни домлани уйигача кузатиб қўйдим. Устознинг қизиқарли ва ҳазил аралаш насиҳатлари қулоғимга хуш ёқарди. Ширин суҳбат бардавом бўлсин учун машинани атайлаб секин ҳайдадим. Домла ҳам буни пайқадилар шекилли, уйига боргандан кейин ҳам бирон ўн дақиқалар машинадан тушишга шошмадилар, дилхуш суҳбат давом этди. Ниҳоят, хайрлашар палла мен ҳам машинадан тушдим. Домла қўлимни қўйиб юбормай, қандайдир ҳаяжон билан уйига таклиф қилдилар. Истиҳола истакдан ғолиб келди. Узргоҳлик қилдим. Ичкариламаслигимга кўзи етди шекилли:

— Ўғлим, — деди оталарча меҳрибонлик билан, — бу дунё ҳаммадан қолади. Кенгга — кенг, торга — тор дунё бу. Амал курсисига ўтирсанг, сени ўша мартабага кўтарган халқни ўйла. Кенглик дегани шу. Атрофингга хешу ақраболарингни тўплаб, ўзингу улардан бошқани кўзинг кўрмаса, бу — торлик дегани. Халқ учун яша! Кенг бўл, ўғлим!.. — Домланинг овози негадир ҳазин эшитилди.

Уйга қайтдим. Йўлда келаётиб бугун домланинг таваллуд куни эканлиги эсимга тушди, бир оғиз табрик сўзи, илиқ гап айтмаганим учун ўзимни койидим. Орқага қайтишга ҳам чоғландим. Яна андиша, истиҳола устунлик қилди, йўлимда давом этдим. Таассуфки, ушбу суҳбат мен учун Қувончбой оғадек дарёдил инсон билан охирги бор учрашув экан. Бу мулоқот тақдир инъом қилган ўзига хос видолашув бўлган экан. Буни эртасига тушуниб етдим. Назаримда, домла яна нимадир демоқчи эди ўшанда. Афсуски, буни энди ҳеч қачон билолмайман.

**Фарҳод БОБОЖОНОВ**

Қозоғистондан мактуб

*Ёшим саксонга боряпти. Асли Ўзбекистонда туғилиб ўсган бўлсам-да, тақдир тақозоси билан кўп йиллардан бери Қозоғистонда истиқомат қилиб келаяпман.*

## ШИФОКОРГА РАҲМАТ!

**Қарангки, инсон ёши улуғлашган сари, қарилик ўз кучини кўрсата бошлар экан. Бир ярим йил аввал бирданига икки кўзим кўрмай қолди. Одамлардан Сирдарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Расул Каримовнинг мўъжизакор қўллари ҳақида эшитиб, 2012 йилнинг ноябр ойида уни топиб бордим. У киши кафтимни кафтига қўйиб: «отахон сиз яна дунёни кўрасиз», — деганда кўзларимдан оққан ёшни тўхтата олмадим. У бир кўзимни операция қилиб бўлгач, орадан икки соат ўтиб ўзимга келдим. Кўзимга тиббий дока боғланган бўлса ҳам ёруғликни сезаётганини ҳис қилдим. Суюнганимдан қўшиқ айтиб юборибман.**

**Орадан уч кун ўтгач, шифокорлар менга жавоб беришганда, билсамки, бош шифокор йиғилишга кетган экан. Халоскоримга миннатдорчилигимни тўлиқ айта олмадим. Шу боис газета орқали у кишига раҳмат айтмоқчиман: Ҳурматли Расул Юлдошевич! Илоҳим, мўъжизакор қўлларингиз дард кўрмасин. Бошингиз доимо омон бўлсин!**

**Ҳайитбой ТЎЙЧИЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти, Пахтаорол райони, Отакент қўрғони.**

Йўловчиларга қулайлик

## АВТОБУСДА ЖЕТОН БИЛАН

***Мамлакатимиз пойтахтида йўловчилари учун янги қулайлик — автобус ва трамвайларда махсус жетон-тангачалар орқали йўл ҳақи тўловларини амалга ошириш имконияти яратилди. Қулайлик шу йил 1-мартдан бошлаб амал қила бошлади. Эндиликда йўл ҳақини ойлик йўл чипталари, нақд пул тўлови билан бир қаторда барча шоҳбекатлар ҳамда ойлик йўл чипталари сотишга мўлжалланган шохобчаларда онлайн ва дует тизимида ишлайдиган терминаллар орқали пластик карточкаларга сотиб олинган бир марталик жетонлар орқали амалга ошириш ҳам мумкин.***

Жетонлар нархи йўл ҳақи билан мутаносиб белгиланган. Йўловчи жетон орқали тўловни амалга оширганда унга билет берилади.

— Янгилик йўловчилар билан бир қаторда ҳайдовчиларга ҳам маъқул келди, — дейди автобус ҳайдовчиси Жаҳонгир Қодиров. — Қолаверса, йўловчиларга қайтим қайтариш билан боғлиқ муаммолардан холи бўлдик.

Янги қулайлик йўловчиларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Фарғона шаҳрида яшайман, — дейди пойтахт меҳмони Дилбар Ҳайдарова. — Жамоат транспортида жетонлар орқали тўловни амалга ошириш мумкинлиги менга жуда маъқул келди. Айтиш жоизки, бу каби амалиёт бизнинг вилоятимизда ҳам қўлланилади. Фарғона шаҳар бош шоҳбекатида шаҳар ичи ҳамда туманлараро қатновлар учун пластик карточкаларга бир марталик чипталар сотилади. Бироқ у ерда муҳрланган чипталарни назоратчи йиртиб, йўловчига қайтариб беради. Бу автокорхона ходимларига чипталарни ҳар куни қайта муҳрлаш билан боғлиқ ортиқча юмушни келтириб чиқаради. Жетонлар билан эса бу каби муаммолар содир бўлмайди.

**У. ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ФАРҒОНА АЭРОПОРТИ ДУК

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

**1. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги «Фарғона» аэропортининг маъмурий биноси фасадининг «Депутатлар кетиш ва кутиб олиш зали» томонини реконструкция ишлари»**

*Муддати* **— 31 июл 2013 йил.**

*Бошланғич нархи* **— 156 537 200 сўм ҚҚС билан; 130 447 700 сўм ҚҚС сиз.**

**2. «Фарғона шаҳридаги Фарғона аэропортининг 1- ва 2-қаватларини қайта режалаштириш ва йўловчилар терминалининг фасадини реконструкция ишлари»**

*Муддати* **— 25 декабр 2013 йил.**

*Бошланғич нархи* **— 9 342 861 300 сўм ҚҚС билан; 7 785 717 750 сўм ҚҚС сиз.**

**Буюртмачи: Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси Фарғона аэропорти ДУК**

Манзил: Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси, 16-уй, тел.(373) 226-23-76. 226-54-61.

Қурилиш ишлари: Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 224-18-71.*

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Аэропорт кўчаси, 16-уй* манзилида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган**

«Оммавий маданият»га қарши иммунитет

## ЭЗГУЛИК МАЪНАВИЯТГА АСОСЛАНАДИ

***Глобаллашув шароитида бир қатор умумбашарий муаммоларнинг пайдо бўлиши дунё халқларини ташвишга солмоқда. Улардан бири миллийликка мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанликларни ўз ичига олган сохта «оммавий маданият» бўлиб, у турли кўринишларда аҳоли, айниқса, ёшлар онгини заҳарламоқда.***

«Оммавий маданият нима?», «Авлиё» Валентин ким?». Бундай ғаразли мақсадни тарғиб қилаётганларнинг асл муддаоси нима? Халқимиз маънавияти, тарихий анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бундай иллатнинг замирида нима ётади? Шу каби саволларга ёшларимиз тўғри ва ишончли жавобларни олиши учун вилоятда Маънавият ва маърифат ўқуви куни ташкил этилди. Маҳаллаларда, ўқув юртларида таниқли олимлар, сиёсатчи, санъаткор ва ижодкор зиёлилардан иборат тарғиботчилар иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан С.Олимовнинг «14 феврал — «Севишганлар куни эмас» рисоласи ҳамда «Севги кун билан белгиланмайди...» буклети тайёрланди.

«Оммавий маданият» маҳсули бўлган турли клиплар билан қориштирилган қўшиқларнинг эфирни булғаётгани ҳам салбий ҳолат. Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади.

Буни чуқур англаган ҳолда бозор ва савдо мажмуаларида бундай маҳсулотлар савдосига чек қўйиш, айниқса, фаҳш ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи филмлар тарқалишига қарши қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, таълим муассасаларида Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган миллий урф-одатларимизни тарғиб қилувчи кўрик-танлов, «Ибратли келин», «Ибратли оила», «Онам айтган аллалар» каби тадбирларнинг телевидение орқали намойиш этилиши миллий қадриятларни аҳоли онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, буклетлар тайёрлаш, ўқув қўлланмалари, слайдлар, электорон дарсликлар, кўргазмалар, ташқи тарғибот воситалари, шунингдек, дафтар ҳамда ўқув қуроллари, спорт кийимлари, компютер мониторларида ва қўл телефонларида фойдаланиш учун миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган расмлардан фойдаланиш ҳам ўзининг самарасини бермоқда.

Миллий байрамларимиз «Наврўз», «Меҳржон», маҳалла тўйлари бой маънавий меросимизни ёш авлод онги ва қалбига сингдиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай тадбирларда келин-куёвнинг миллий кийимда чиқиши, шунингдек, миллий либослар кўргазмаларини ташкил этиш, элга танилган халқ усталарининг миллий ҳунармандчилик намуналари билан аҳолини таништириш ҳам анъанага айланиб бормоқда.

**Бобур КАРИМОВ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази Бухоро вилояти бўлими раҳбари**

Газетанинг навбатдаги сони 8 март жума куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 20. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 311 | 21711 nusxada bosildi | 2 3 4 5